



24.10.2022 даги

"JAVONIR QURUVCHI TRESTI" МЧЖ ва Кегейли тумани Махалла ва оилани куллаб-қувватлаш бўлими  
ўртасида 373468689,00 сўм умумий суммага тузилган 1-6 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб	259			
Шахсий газна ҳисобварақ	401722860352127011906259004			сўмда
2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4233900			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	373 468 689,00			373 468 689,00
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>373 468 689,00</b>			<b>373 468 689,00</b>

Жами 373468689,00 сўм

Уш жуз жетпис уш миллион торт жуз алпыс сегиз мың алты жуз  
сексен тоғыз сўм 00 тийин  
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 373468689,00 сўм ёки 100,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан фазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;


(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига \_\_\_\_\_% жорий ойнинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

  
(имзо) Сейтимбетов Алишер Алланиязович  
Ф.И.Ш.



Буюртмачи бош бухгалтери

  
(имзо) Турсынбаев Рамазан Полат улы  
Ф.И.Ш.

Фазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (имзо)

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 07

2022 йил 24 октябрь

Кегейли тумани

Кегейли тумани Мəҳалла ва нурунийларни кўллаш-кувватлаш бўлими биринчи томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан раҳбар **А.Сейтимбетов** ва «JAVONIR QURUVCHI TRESTI» маъсулияти чекланган жамияти иккинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан раҳбар **Е.Бабаниязов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйидагиларга асосан туздилар,

**I. Таърифлар:**

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

**Вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

**Беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Кегейли тумани «жалпак жап» ОФЙ худудида сув тармоқларини ўрнатиш ишлари** объекти буйича лойиха хужжатларида қузда тутилган объектида енгил қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома буйича ишлар қиймати**

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 20 октябрь кунги (№ 22110012161801-сонли лот бўйиша 1-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда, жорий нархларда (шу жумладан ҚҚС билан) жами Кегейли тумани Мəҳалла ва нурунийларни кўллаш-кувватлаш бўлими (Кегейли тумани «жалпак жап» ОФЙ худудида сув тармоқларини ўрнатиш ишларини олиб бориш) объекти **373 468 689.00** (ўш юз этмиш ўш миллион торт юз олтмиш саккиз минг олти юз саксон тўққиз сўм) сўмни ташкил этади. (Пудратчи ҚҚС туловчиси)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

6. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг кучи ва (ёки) жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- 1-иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши шарт;

- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссик оват билан таъминлаш;

- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бунатиш;

- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофиқ, ҳар ҳисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим, ақс ҳолда ҳисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачининг руҳсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз ҳоҳиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиҳа смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ўч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;



- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курулиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини такдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан хисобот ойнаинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида хисоб-фактура ва хисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

#### **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

13. Шартнома:

миллий валюта «сумда» узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблаглари хисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аникланган курилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 30 кун деб белгиланган.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

#### **VII. Туловлар ва хисоб-китоблар**

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи миқдориди, дастлабки шартнома имзолангандан кейин ( 30%) аванс уткази, топширилган иш хажми тулик бажарилгандан колган 70 % маблаг тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, хар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 95 фоизигача тўлов амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукни узида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар киритиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган такдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

#### **VIII. Ишларни бажариш**

22. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳукукига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бандида курсатилган-муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

29. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофиқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз ҳисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

32. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

33. Пудратчи узи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

34. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

35. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз кучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

39. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудрачининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни куриқлаш**

41. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада куриқланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

43. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага қелтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

44. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан қуп вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар курилишини муҳоқама қиладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичида қелиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

46. Курилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.



47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қуриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

48. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Кафолатлар**

### **50. Пудратчи:**

- барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини; ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

51. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб қамида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг қафолатли муддати қамида 24 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли иқтисодий суд органларига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XIII. Шартномани бекор қилиш**

### **54. Буюртмачи:**

- шартнома қучга қиргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан 1 ойдан қуч вақтга қечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қупайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қеладиغان даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга.

#### **55. Пудратчи:**

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боглик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга.

56. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма қарорига кура тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

57. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим қондасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қуйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошка Пудратчига бериш буйича тақлиф беради.

#### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқӣ базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошка қонун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда қурсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки қурсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

62. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдорида жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утқазиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва қамчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утқазиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартноманинг 2-иловасига мувофик объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги қерак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар қурсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.



64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ булмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитекткурилиш-назорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

65. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби**

67. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Нукус туманлараро иқтисодий суди томонидан қуриб чиқилади.

#### **XVI. Коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш ва коррупцияга қарши қоидаларининг асосий шартлари**

68. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қурашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни (Кегейли тумани Мەҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ёки "JAVOHIR QURUVCHI TRESTI" маъсулияти чекланган жамияти ходими ўз мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги яҳуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олиш учун қўйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар қўрилишига қафолат беради.

69. Агар шартнома бўйича бир Томон (Кегейли тумани Мەҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими ёки "JAVOHIR QURUVCHI TRESTI" маъсулияти чекланган жамияти ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган ҳатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

+998961 223-33-71 +99861 412-18-87

#### **XVII. Алоҳида шартлар**

70. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.

71. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз бирон-бир учинчи (шахс) томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга булмайдди.

72. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз фақат шартнома асосида қурилади.

Бунда ҳам моддий-техника ресурсларини узаро берган ҳолда, ҳам улар берилмаган ҳолда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект қурилиши доирасида

воситасининг иши ҳамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация килиш деб ҳисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

73. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари бўйича тузилган бош шартнома бўйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шarti билан мустақил амалга оширилади.

74. Мазкур шартномага барча узгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

75. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

76. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

77. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

78. Мазкур шартнома томонлар имзолагандан сунг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

79. Ушбу шартнома 2 ( икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик қучга эгадир.

### XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### БУЮРТМАЧИ:

МҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ  
КЎЛЛАВ-КЎВВАТЛАШ БЎЛИМИ

Манзили: Кегейли тумани, Кегейли гузары,  
54-уй

Телефон: 61-412-18-87

х/р 401722860352127011906259004

МФО 00014

ИНН 207316315

Кегейли тумани Қазна бўлими

Раҳбар

А.Сейтимбетов



#### ПУДРАТЧИ:

“JAVOHIR QURUVCHI TRESTI”

Манзили: Нукус шаҳар, 23-кишик туман уй  
1/8,

Телефон: 61, 223-33-71

х/р 20208000903984362001

МФО 00582

ИНН 202775421

ҚҚ оделение Национального банка

Раҳбар

Е.Бабаниязов



**YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDÍÑ NÍZAM  
HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGI HAQQÍNDÁ HUQÍQÍY JUWMAQ**

SH3726564716

1. Joybardıń túri : Shartnama
2. Joybardıń ataması: Jalpaq jap awıl puqaralar jiyini aymagina ishimlik suw tartiw haqqında.
3. Joybardı islep shıǵıwshı hám kirgizilgen sáne haqqındaǵı maǵlıwmat: Kegeyli rayoni Máhalle hám nuranylardı qollap-quwatlaw bólimi tárepinen 25.10.2022 jilda kirgizilgen.

Joybar ámeldegi nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan hám onı qabıl etiw maqsetke muwapıq.

**Kegeyli rayoni  
ádıllık bólimi  
Yuridikalıq xızmet  
kórsetiw  
orayı bashıǵı**



**K.M.PALUANIYAZOV**

25.10.2022





Кегейли району Мәхәллә хәм шаңарақты қоллап-қуўатлаў бөлими «Товар-материаллық запаслар хәм ислерди (хызметлерди) сатып алыў бойынша таңлаў комиссиясы»ның ең жақсы усынысларды таңлап алыў бойынша откерилген

1 -санлы мәжлис баянламасы

«24» октябрь 2022-жыл

Кегейли району

Комиссия баслығы:	А.Сейтимбетов	Кегейли району Мәхәллә хәм шаңарақты қоллап-қуўатлаў бөлими баслығы, комиссия баслығы
Комиссия ағзалары:	Т.Давлетов	Бөлим баслығының орынбасары, комиссия ағзасы
	Р.Турсынбаев	Бөлим есапшысы комиссия ағзасы
	М.Толебаев	Бөлим бас қанийгеси комиссия ағзасы
	Д.Курбаназаров	Бөлим бас қанийгеси комиссия ағзасы
	А.Каримов	Бөлим бас қанийгеси комиссия ағзасы

**КҮН ТАРТИБИ:**

Кегейли району Мәхәллә хәм шаңарақты қоллап-қуўатлаў бөлими – Таңлап алыў комиссиясы баслығы А.Сейтимбетов мәжлисте таңлаў комиссиясының 6 ағзасынан 6 адам қатнасып атырғанлығын айтып отип, таңлаў комиссиясы мәжлисин ашық деп жарияланды.

Таңлаў комиссиясы хаткери таңлаў комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усынды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жыл 22-апрелдеги 684-санлы «Мәмлекет сатып алыўлар ҳаққында»ғы Нызамының (тексте кейинги орынларда - Низам) 58-статьясына муўапық ең жақсы усынысларды таңлап алыў откерилиўи ҳаққында арнаўлы информатсион порталында (<https://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлаў қатнасыўшыларының қабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрәпинен жеке кабинети арқалы жайластырылған 2022-жыл 11-октябрь күнги № 22110012161801-санлы лот бойынша 2022 жыл 20-октябрь күнги 1-санлы баянламасы бойынша хеш қандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы «Мәмлекет сатып алыўлар ҳаққында»ғы Нызамы талапларына хамде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапқа алып Таңлаў комиссиясы

**Қ А Р А Р   Е Т Е Д И:**

1. Кегейли районы Мәхәлле хәм шаңаракты қоллап-қуўатлаў бәлими Устройство водопроводных сетей на территории МСГ Жалпак жап Кегейлийского района жұмысларын әмелге асырыў өткерилген таңлап алыўда таңлаў хўжетлеринде хәм таңлаў шәртлери бойынша ең жақсы шәртлерди усынған хәм таңлап алыў жеңимпазы деп табылған ЖШЖ «JAVONIR QURUVCHI TRESTI» 373 468 689,00 сўм (ҚҚС пенен бирге) менен шартнама дүзилсин.

2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыў шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тарқан жағдайда шартнама дүзиў хуқуқы кейинги қатнасыўшы (резерв) етип ЖШЖ «Амудария хызмат курсатиш маркази» белгиленсын. Бунда жеңимпаз қатнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шартнама дүзиў мүмкинлиги белгилеп қойылсын.

3. Нызам талапларына муўапық таңлаў қатнасыўшыларының усынысларын көрип шығыў хәм баҳалаў мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын қабыл етилсин.

4. Мекемениң бас есапшысы – Р.Адилчаев таңлап алыў жуўмағы бойынша жеңимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлаў хәмде шартнама дүзилген соң 3 (үш) жұмыс күни ишинде арнаўлы информацион порталына (<https://etender.uzex.uz/>) жайластырыў тапсырылсын.

5. Таңлаў комиссиясы хаткери (А.Каримов), усы таңлап алыў тийисли барлық хужжетлерди белгиленген тәртипте сақланыўын тамийнленсин.

Қатнасыўшылар  
Комиссия баслығы

Қолы



(Ф.И.Ш)

А.Сейтимбетов

(Лаўазымы)

Кегейли районы Мәхәлле  
хәм шаңаракты қоллап-  
қуўатлаў бәлими  
баслығы, комиссия  
баслығы

Комиссия ағзалары



Т.Давлетов

Бәлим баслығының  
орынбасары, комиссия  
ағзасы



Р.Турсынбаев

Бәлим есапшысы  
комиссия ағзасы



М.Толебаев

Бәлим бас қанийгеси  
комиссия ағзасы



Д.Курбаназаров

Бәлим бас қанийгеси  
комиссия ағзасы



А.Каримов

Бәлим бас қанийгеси  
комиссия ағзасы

62 3

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 161801 на приобретение Устройство водопроводных сетей на территориях МСГ «Жалпак жап» Кегейлиского района

Способ проведения электронный

Дата 20.10.2022

Время рассмотрения 20.10.2022 11:02

Закупочная комиссия Кегейли тумани махалла ва ойлани куллаб-куватлаш булими., (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SEYTIMBETOV ALISHER ALLANIYAZOVICH	Баслык	Кегейли тумани махалла ва нурунийлар булими
<b>Секретарь комиссии</b>	Karimov Arislan Axmetovich	Is juritiwshi	Кегейли тумани Махалла ва нурунийларни куллаб- куватлаш булими
<b>Член комиссии</b>	DAVLETOV TAJETDIN YEREJEPOVICH	Бошлик уринбосари	Кегейли тумани Махалла ва нурунийлар булими
<b>Член комиссии</b>	TOLEBAYEV MAG'ZAMBAY SADIRBAY ULI	Болим баслык	Кегейли тумани Махалла ва нурунийлар булими
<b>Член комиссии</b>	KURBANAZAROV DAULETNAZAR PERDEBAYEVICH	Книйге	Кегейли тумани махалла ва нурунийлар булими
<b>Член комиссии</b>	TURSINBAYEV RAMAZAN POLAT ULI	Гл бухгалтер	Кегейли Махалла

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 20.10.2022 года № лота 161801.  
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга монтажа и демонтажа водопроводных труб</b>
Подробное описание	Услуга монтажа и демонтажа водопроводных труб
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	385 019 267.00
Стартовая сумма	385 019 267.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашда иштирок этувчи ташкилотнинг сўнги 3 йил давомида йул хўжалиги соҳасида лойиҳа-қидирув ишларини бажариладиган тўғрисида маълумоти. (2019 й -2020й -2021 йиллар) тақдим этилаётган барча маълумотлар ташкилот муҳри билан раҳбар томонидан тасдиқланган ҳолда бўлиши шарт

Обязательность: Критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО NUR JAN'A-QURILIS	25	Барча суралган маълумотлар бириктирилган	20	Экспертная		
JAYXUN MASTER STROY MЧЖ	25	маглыуматлар бириктирилген	15	Экспертная		
ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI	25	90	24	Экспертная		
"AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ	25	3 йиллик иш тажрибамиз бор	22	Экспертная		

Критерий №2 Объектни кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлашда иштирок этувчи ташкилот томонидан объектни жойида бориб ўрганганлиги тўғрисида тақдим этилаётган маълумотлар буюртмачининг вакили ва бажарувчи ташкилот муҳри билан раҳбар томонидан тасдиқланган ҳолда бўлиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО NUR JAN'A-QURILIS	25	барча суралган маълумотлар бириктирилган	25	Экспертная		
JAYXUN MASTER STROY MЧЖ	25	маглыуматлар бириктирилген	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI	25	3	25	Экспертная		
"AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ	25	Объектни кўздан кечирдик	25	Экспертная		

Критерий №3 Танлашда иштирок этувчи ташкилотнинг молиявий аҳволи

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилотнинг уч йиллик молиявий аҳволи тўғрисида маълумотнома; Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида QR кодли маълумотноманинг мавжудлиги. Ноинсоф етказиб берувчилар реестрида бўлмаслиги, Инқирозлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумот., Иш бажарувчининг рухсатномасининг (лицензия) мавжудлиги, корхона гувоҳномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО NUR JAN'A-QURILIS	25	барча суралган маълумотлар бириктирилган	20	Экспертная		
JAYXUN MASTER STROY MЧЖ	25	маглыуматлар бириктирилген	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI	25	32	24	Экспертная		
"AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ	25	Солиқдан қарздорлиги мавжуд эмас	23	Экспертная		

Критерий №4 Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар ва мавжуд техникалари тугрисидаги маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: "Олий маълумотга эга бўлган, умумий иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган 1 нафар раҳбар ходим; - умумий иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар олий маълумотли лойиҳа бош муҳандиси; - умумий иш стажи 5 йилдан ортиқ бўлган 3 нафар маълумотли мутахассис ходим (лойиҳачи); - умумий иш стажи 3 йилдан ортиқ бўлган 1 нафар маълумотли баҳоловчи мутахассис ходим (сметчик); тақдим этилаётган барча маълумотлар ташкилот муҳри билан раҳбар томонидан тасдиқланган ҳолда бўлиши, ҳамда ходимларнинг буйруғидан, дипломидан нусхалар бўлиши шарт"

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО NUR JAN'A-QURILIS	25	Барча суралган малумотлари бириктирилган	20	Экспертная		
JAYXUN MASTER STROY MCHJ	25	мағлууматлар бириктирилген	13	Экспертная		
ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI	25	41	25	Экспертная		
"AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ	25	Барча зарур техникаларимиз ishchi xodimlarimiz бор	20	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
"AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ	385 019 267.00	378 000 000.00 UZS	378 000 000.00	00.00	378 000 000.00	18.10.2022 12:50:12	9.88012
ООО NUR JAN'A-QURILIS	385 019 267.00	384 000 000.00 UZS	384 000 000.00	00.00	384 000 000.00	18.10.2022 11:57:30	9.72575
ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI	385 019 267.00	373 468 689.00 UZS	373 468 689.00	00.00	373 468 689.00	18.10.2022 12:17:11	10

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ	81	9.88012	90.88012
OOO NUR JAN'A-QURILIS	76.5	9.72575	86.22575
JAYXUN MASTER STROY MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI	88.2	10	98.2

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 161801 от 20.10.2022 года на приобретение Устройство водопроводных сетей на территории МСГ «Жалпак жап» Кегейльского района определила победителем:

ЖШЖ JAVOHIR QURUVCHI TRESTI  
202775421

и резервный исполнитель: "AMUDARYO XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI" MCHJ (305721831)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SEYTIMBETOV ALISHER ALLANIYAZOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	DAVLETOV TAJETDIN YEREJEPOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TOLEBAYEV MAG'ZAMBAY SADIRBAY ULI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	KURBANAZAROV DAULETNAZAR PERDEBAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	TURSINBAYEV RAMAZAN POLAT ULI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП